



CURRENT STATE OF VEGETABLE AND MELON CROPS GROWN IN THE CONDITIONS OF KARAKALPAKSTAN

Yeshmuratov Elbrus Gaybullayevich

Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnologies,
Head of the Department of Educational and Methodological Support

elbrus0484@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18058559>

ARTICLE INFO

Received: 18th December 2025

Accepted: 25th December 2025

Online: 26th December 2025

KEYWORDS

Vegetables, melons, sown area,
negative factors, pests, diseases,
agrotechnical measures.

ABSTRACT

The article reflects the state of vegetable and melon crops grown in the Republic of Karakalpakstan over the past 15 years. At the same time, the types, methods, and schemes of sowing vegetable and melon crops, the negative factors influencing the process of their cultivation, and their main causes are presented.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ОВОЩЕБАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР, ВЫРАЩИВАЕМЫХ В УСЛОВИЯХ КАРАКАЛПАКСТАНА

Ешмуратов Эльбрус Гайбуллаевич

Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий,
Начальник отдела учебно-методического обеспечения

elbrus0484@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18058559>

ARTICLE INFO

Received: 18th December 2025

Accepted: 25th December 2025

Online: 26th December 2025

KEYWORDS

Овощи, бахчевые культуры,
посевные площади,
негативные факторы,
вредители, болезни,
агротехнические
мероприятия.

ABSTRACT

В статье отражено состояние овощебахчевых культур, выращиваемых в Республике Каракалпакстан, за последние 15 лет. Приведены виды, способы и схемы посева овощных и бахчевых культур, негативные факторы, влияющие на процесс их выращивания и их основные причины.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЭКИЛАЁТГАН САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Ешмуратов Эльбрус Гайбуллаевич

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Ўқув-услубий таъминот бўлими бошлиғи

elbrus0484@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18058559>

ARTICLE INFO

Received: 18th December 2025

Accepted: 25th December 2025

Online: 26th December 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Мақолада Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилаётган сабзавот-полиз экинларининг сўнги 15 йил ичидаги ҳолати акс



IF = 9.2

Сабзавот, полиз, экин майдони, салбий омиллар, зараркунанда, касаллик, агротехник тадбирлар.

эттирилган. Шу билан бирга сабзавот-полиз экинларини турлари, экиш усули ва схемалари, уларни етиштириш жараёнидаги таъсир қиладиган салбий омиллар ва уларнинг асосий сабаблари келтирилган.

Кириш. Полиз экинлари ўсимликлар систематикасида қовоқдошлар (*Cucurbitaceae* Juss) туркумига кириб, ривожланиш биоэкологиясидаги асосий хусусиятларидан бири, иссиқликка талабчанлиги бўйича тропик ва субтропик ҳудудлардан келиб чиққан бўлиб, ушбу туркумнинг қовун (*Cucumis melo* L.), тарвуз (*Citullus lanatus* L.) ва қовоқ (*Cucurbita pepo* L.) турлари Республикамизда асосий далаларга экилиб, олинадиган ҳосил инсоннинг тоза турдаги ва қайта ишланган маҳсулот сифатида фойдаланиб келаётган ноёб озуқаси ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Бошқа турларга нисбатан аҳамиятли бўлган хусусиятларининг қиммати шундаки, меваси озуқа моддаларга бой, инсон учун зарур бўлган қанд, углевод, минерал тузлар, витаминлар, пептин, органик кислота, крахмал ва клетчатка моддалари мавжуд. Шундай хусусиятларига кўра, дастлабки йиллардан бошлаб халқ табобатида полиз экинлари мевалари ва ундан олинадиган уруғи таркибидаги шифобахш моддалардан инсонда ҳосил бўладиган буйрак, қовуқ, жигар тошларини тушириш; юрак, ўпка, ошқозон-ичак ва кўз касалликларини даволашда; тери касалликларига қарши қўллашда асосий восита сифатида фойдаланиб келинмоқда (1).

Полиз экинлари мевалари таркибида энергетик аҳамиятга эга оқсил ва ёғ моддалари камлиги, бир килограмм тарвуз меваси 380 ккал, қовунда-390 ккал, қовоқда-290 ккал таъсирга эга эканлиги, бу маҳсулотларни ҳар куни узлуксиз истеъмол қилиш кераклигидан далолат беради. Бу талабни тўлиқ қондириш учун, полиз экинларидан олинадиган мевалар ёз ва куз ойларида тоза ҳолда, қиш ва келгуси баҳор ойларида эса маҳсус жойларда сақланган, қайта ишланган ҳолатдаги маҳсулотларни тайёрлаб, фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда (2, 3).

Асосий натижалар. Қорақалпоғистон шароитида полиз экинлари турлари, дастлабки йиллардаги деҳқончиликнинг асосий ҳисобида экилиб, 1920 йиллари 800 гектарга, 1970 йиллари 2000 гектарга экилган бўлса, 1980-1985 йилларда 5267-9514 гектаргача кўпайтирилиб, тайёрланган навларидан олинган маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш ишлари ҳам самарали амалга оширилди. Шундай бир пайтда, 2005-2010 йилларда ушбу экиннинг экин майдони ва гектаридан олинаётган ҳосил бироз камайиб кетиш ҳолатлари кузатилди. Муаммонинг асосий сабаби, Республикамизда сўнгги йилларда пайдо бўлган қовун пашшасининг келтирган зарари, унга қарши олиб борилаётган кураш чораларининг кутилган фойда келтирмаганлиги деҳқонларнинг бу экинга бўлган талабини бироз камайтириб юборганлиги маълум.

Шундай хавfli зараркунандаларга қарши олимлар томонидан кураш чоралари ишлаб чиқилиб, кейинги йилларда яна экин майдонини кўпайтириш



бўйича ишлар олиб борилиб, Республикаимиз бўйича, 2016-2018 йилларда юқори даражасига етганлиги ва айрим хўжаликларда гектаридан 400-500 центнер ҳосил олинганлиги билан аввалги даражасини тиклаб олишга эришилди. Бугунги кунга келиб, экилаётган сабзавотлар турлари даражасидаги ҳосил олинмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикасида сабзавот-полиз экинларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги

Йилларда	Сабзавот		Полиз	
	гектар	тонна	гектар	тонна
2010	6763	134246	5917	69530
2011	7192	145638	6870	76334
2012	8539	166426	7795	86260
2013	9836	201401	9498	98752
2014	10543	227476	9172	105963
2015	10485	241257	9188	113824
2016	10887	256321	10524	127537
2017	11356	244130	12959	134995
2018	14137	253038	10133	134369
2019	15448	273874	11984	146776
2020	16528	287743	12006	157824
2021	9480	191401	6134	74334
2022	16014	314563	12657	173474
2023	4167	4260	9504	9741
2024	11714	11976	10609	10874
2025	19245	357963	10775	199337

(Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотларидан)

Келтириб ўтилган экин майдонларига, Қорақалпоғистон агроиклими ва тупроқ шароитига мос келадиган, тавсия этилган агротехник тадбирлар қўлланилганда юқори ҳосил берадиган қовуннинг: Ҳандалак, Ола-гурбек (маҳаллий гурбек), Тарвуз-қовун, Ширин бишек, Бақираман, Сари гулоби, Қарри қиз, Маҳаллий бишек, Маҳаллий ола-ҳамма; тарвузнинг: Трофи-Ф1, Ўзбекистон-452, Дилноз, Мармар-2159, Гулистон, Гранит-Ф1, Ҳайт-қора; қовоқнинг: Қашғар-1644, Испан-73, Стофунтовая, Нон кади ва яна бошқа навлари эрта, ўрта ва кеч муддатларда экилиб олинаётган мевалари кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиб келинмоқда, келгусида олинадиган ҳосил миқдорини ошириш бўйича кўплаб Ҳукумат топшириқлари бўйича ишлар бажарилиб келинмоқда.

Полиз экинлари турларининг бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ажралиб турадиган морфологик белгилари: илдизи ўқ илдиз (100-110 см чуқурликка боради), бошоғи 1,5-2,0 м дан 10-20 м гача ўсади, барглари кўп, поялари ҳосил бўлиши билан ер юзини қоплаб, шу ерда ўзига хос микроиклим ҳосил қилади.



Гулларининг асосий қисми чангчилари, 10-20% чангчилари ҳисобланиб, ҳар тупида 2-4 дона мева ҳосил қилиб, тўлиқ пишиш фазасига етгунча ривожланади. Асосий хусусияти, меваларининг вазни қовунда бир донаси 2,4-7,3 кг, тарвузда 1,7-8,0 кг бўлса, қовоқда 0,8-10 кг гача, айрим навларида 23,1-26,7 кг етиши ҳисобга олинган. Мева ичида етиладиган уруғлар сони кўп бўлиб, қовуннинг эртапишар навларининг бир мевасида 544-610 дона, ўртапишарда 521-1131 дона, кечпишарларида 762-862 дона бўлиши аниқланган бўлса, қовоқ уруғи 1000 донасининг оғирлиги 283-312 гр ни ташкил этади. Сони ва вазнидан ташқари мева шаклининг ҳар хил бўлиши билан ҳам кескин ажралиб туради. Айрим навларнинг мевалари махсус жойларда келгуси йил май-июнь ойигача тоза ҳолда сақлаб истеъмол қилиш имконияти мавжуд.

Шундай муҳим фойдалилик жиҳатларига асосланган ҳолда олинадиган маҳсулотлари миқдорини ва сифат кўрсаткичларини кўтариш бўйича етиштирилган агротехник тадбирлар олиб борилишига қарамасдан, экилаётган полиз экинларидан кутилган ҳосилни олишда айрим муаммолар пайдо бўлаётганлиги маълум. Асосий сабаб ҳудудимиз хўжаликлари далаларида экилаётган полиз экинлари турлари ва навларига боғлиқ бўлган агротехник тадбирларни ўтказиш ушбу шароитларга мос ҳолда олиб борилмаётганлиги ҳамда зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирларини ўтказишда камчиликларга йўл қўйилаётганлигидир.

Бундай муаммолар юзага келишининг олдини олишда кўрсатилган ҳар бир экин тури ва нави учун тавсия этилган, вегетация даври давомидаги агротехник тадбирларга амал қилган ҳолда, мақбул муддатларда экиш ва унинг схемасини тўғри белгилаш, ўз муддатида ва миқдорида озиклантириш ва суғориш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини ўтказиш ўта муҳим тадбир сифатида амалга оширилиши лозим.

Биринчи навбатда, навлари ва маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича белгилаб берилган мақсадларга асосланган экиш муддатларини тўғри сақлаш. Республикаимизнинг агроиқлими ва тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда, полиз экинлари турларини жанубий ҳудудларда 10-20 апрелда, марказда 15-25 апрель ва шимолда 20-30 апрелда экиш бўйича тавсиялар берилган. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижасида май ойи полиз экинларининг ўрта ва кечки навларини экишнинг энг мақбул муддати ҳисобланиши исботланиб, ушбу муддатларда экилган навлардан юқори ҳосил олинганлиги келтирилган. Тарвуз ва қовунни экиш марказий туманларда 20 апрелдан - 10 майгача, кечпишарларини 15 майдан - 10 июнгача экилганда, шимолий туманларда ўртапишарлари 25 апрелдан - 10 майгача, кечпишарлари 20-30 майгача амалга оширилиб, кейинги агротехник тадбирлар олиб борилган далаларда юқори ҳосил олинганлиги ҳисобга олинди.

Бу бўйича олиб борилаётган илмий ишлар ва ишлаб чиқариш тажрибалари якунида полиз экинлари турларининг экиш схемасини: қовун навлари учун 210+70/2+70 см ва 210+70/2+80-90 см қўш қатор лентасимон, ҳар гектарда 6,9-8,9 минг туп қолдирилади, тарвуз навлари 180×90 см ва лентасимон қўш қатор усулида 280+70/2+70+90 см, гектарига 7,9-10 минг туп қилиб экиш тавсия этилган.



Қовоқ навлари $280+70/2+100$ см (5,7 минг туп), $350+70/2+90$ см 5,2 минг туп қолдирилиб экилиши агроиқлим ва тупроқ шароити учун оптимал эканлиги аниқланди.

Хўжаликлардаги полиз экинлари турлари навларининг экиш схемасига қараб, уяда битта ёки иккита кўчат қолдирилади ва тупроқнинг механик ва физик-кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда гектарига 150-200 кг азот, 150 кг фосфор ва 50 кг калий минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Тупроқ унумдорлиги етарли бўлган ёки гектарига 20 тоннадан чириган гўнг солинган майдонларда кўрсатилган минерал ўғитлар миқдори бироз камроқ бўлиши мумкинлиги исботланган.

Полиз экинлари турлари ва уларнинг навларига боғлиқ бўлган ўзига хос морфологик ва биологик хусусиятлари шундаки, қовун навларида ўртача 110-150 дона, тарвузда 125-216 дона, қовоқда 158-266 донагача барглари ҳосил бўлиб, тупроқ таркибидаги сувни кўп миқдорда буғланишига ва ушбу дала шароитида бошқа биологик организмлар учун қулай микроиқлим яратилишига олиб келади. Натижада бундай биологик хусусиятлар туфайли экинлар қатор ораларини вегетация даври охиригача кўпроқ суғориб бориш талаб этилади. Тупроқ таркиби ва ўсимликлар талабига кўра гектарига 4500-7500 м³ сув миқдорида 6-8 марта суғориш талаб этилиб, тадбир мевалар пишишига 25-30 кун қолгунча давом эттирилиши ҳисобга олинган. Айрим, қайир тупроқли далаларда вегетация даврида суғорилмасдан юқори даражада ҳосил олинаётган майдонлар сони ортиб бормоқда.

Келтирилган агротехник тадбирлар тўлиқ бажарилган полиз экинлари навларида меваларнинг ҳосил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Турлар айрим жинсли бўлганлиги учун оналик гулларга оталик чангларнинг етказиб берилиши даладаги ҳашаротлар турлари, шулардан зараркунандаларнинг вояга етган фазаларининг ҳам аҳамияти юқори ҳисобланади. Шунинг учун полиз экинлари зараркунандаларига қарши кимёвий усулда кураш чораларини олиб боришда бундай биологик алоқаларни тўлиқ ҳисобга олиш талаб этилади. Полиз экинлари ҳосилини йиғиб олишда икки хил пишиш фазаси ҳисобга олинади. Соф ҳолда ишлатиладиган турларининг мевалари тўлиқ пишгандан кейин йиғиб олинади. Кечпишар навларнинг меваларини узоқ масофаларга ташиш ёки сақлаб қўйиб қиш, келаси баҳор ойларида фойдаланиш учун пишиш тўлиқ бўлмаган ҳолда тайёрлаш ишлари бошланиб, мевалар дала шароитида чоралар қўллаш орқали шу мақсадларга ишлатиш амалга оширилади.

Хулоса. Кўриниб турганидек, полиз экинлари турлари ва уларнинг навлари бўйича морфологик тузилишида, ривожланиш биоэкологияси ва олиб бориладиган агротехник тадбирларни бажаришда пайдо бўладиган микроиқлим шароитлари, биологик омилларнинг озуқа моддалари сўрувчи зараркунандаларнинг кўплаб турларининг оммавий кўпайиб боришидаги энг аҳамиятга молик қулай шароит эканлигини ҳисобга олиб, бундай алоқаларнинг ўзига хос жиҳатлари асосида қарши кураш чораларини олиб бориш лозим.



References:

1. Торениязов Е.Ш., Ибрагимов М.Ю. Қорақалпоғистонда мева, сабзаот, полиз ва картошка етиштиришга оид масалалар/Ўзбекистон мева-сабзаот маҳсулотларининг устунлиги. Халқаро илмий-амалий конференция мақолалари тўплами, Тошкент: 2016. 52-55 б.
2. Торениязов Е.Ш., Юсупов Р.О., Ешмуратов Э.Г., Торениязова С.Е. Вредители овоще-бахчевых культур в экстремальных условиях Республики Каракалпакстан/Аграрная наука-сельскому хозяйству V111 Международная науч-прак кон. Посв. 70-летию Алтайского ГАУ. –Барнаул, 2013. –С.243-244.
3. Ибрагимов М.Ю. ҳам басқалар. Қарақалпақстан шараятында баў-бақша ҳам палыз өнімлерин жетистириў усыллары. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 2009. –Б. 65-88.